

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
ЯТТ "_____".

20__ йил

«ДУРАДГОРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» ЛОЙИҲАСИНИНГ

БИЗНЕС-РЕЖАСИ



ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ ТҮҮРИСИДА МАЪЛУМОТ

1. Лойиҳа ташаббускори:

2. Давлат рўйхатидан ўтган сана: _____ шаҳар

3. Телефон:

4. Манзили:

5. Реквизитлари:

X/P _____

Кириш

Якка тартибдаги тадбиркор дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасининг бизнес-режаси, _____ шахрида аҳоли, ташкилот ва корхоналарни дурадгорлик материаллари билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш учун керакли асбоб-ускуналарни сотиб олишни ташкиллаштиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда. Ушбу лойиҳани тижорат банклари ресурслари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш механизмига кўра молиялаштириш режалаштирилган.

Лойиҳа ташаббускори томонидан _____ шахрида дурадгорлик материалларини ишлаб чиқариш бозорида талаб ва таклифни таҳлил қилиш натижасида, ушбу ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шаҳарда ушбу дурадгорлик маҳсулотлари бозорида вужудга келган шароит, яъни дурадгорлик маҳсулотларини тайёрлаб сотишида юқори сифатли маҳсулотларга талабнинг катталиги, бундай қарорни қабул қилишга асос бўлди.

Лойиҳани амалга ошириш учун кредит ҳисобидан сотиб олинадиган ускуналар, лойиҳа ташаббускорининг шахсий мулки бўлган бино хизмат кўрсатиш майдонига жойлаштириш кўзда тутилмоқда.

1. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ

Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад, _____ шаҳрида аҳоли, ташкилот ва корхоналарни таъминлаш, дурадгорлик маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун керакли асбоб-ускуналарни сотиб олишни ташкиллаштиришни асослаш мақсадида тақдим этилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркор _____ нинг умумий иш фаолияти стратегияси билан ушбу ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш лойиҳаси ўртасида ички зиддият йўқдир.

Лойиҳа ташаббускорининг, лойиҳани амалга оширишдан мақсад қуидаги сабабларга кўра:

- кўрсатиладиган хизматлар таннархининг юқори эмаслигига нисбатан капитал ҳаражатларнинг тезда ўзини қоплай олишлиги,

- керакли иш материалларини етказиб берувчилар ва кўрсатиладиган хизматларга мижозларнинг кўплиги ва лойиҳа ташаббускорининг етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиҳанинг амалга ошириш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Керакли иш материалларини етказиб берувчилар ва мижозлар билан лойиҳа ташаббускорининг ўртасида ушбу лойиҳа бўйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиҳа бўйича ҳамкорлик қилишга жуда катта қизиқиши ва истаги борлигини кўрсатди. Худудий қулай жойлашганлиги ҳамда кўрсатиладиган хизматларга шаҳарда мижозларнинг кўплиги лойиҳани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратади.

2. ЛОЙИҲА ҚИЙМАТИ

Лойиҳанинг умумий қиймати 35 000 000 сўмни ташкил этади. Шундан асосий воситаларнинг қиймати 25 000 000 сўмни, айланма маблағнинг қиймати 10 000 000 сўмни ташкил этади.

Лойиҳани амалга ошириш учун лойиҳа ташаббускори томонидан банкдан 25 000 000 сўм миқдорида банк кредит (қарз маблағлари) ҳисобидан дурадгорлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ускуналар олиш режалаштирилган. Хизмат кўрсатиш учун керак бўладиган хом-ашёни сотиб олиш учун маблағни, лойиҳа ташаббускори ўз ҳиссаси сифатида қўшади.

Шундан:

- 25 000 000 сўм – асосий воситаларга
- 10 000 000 сўм – айланма маблағга.

1 - жадвалда, лойиҳа қиймати аниқ кўрсатилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати

1 - жадвал

№		Ташаббускор хиссаси (сўм)	Банк кредити (сўм)	Умумий миқдори (сўм)
1.	Иморат, иш майдони	-	-	-
2.	Асбоб-ускуналар	-	25 000 000	25 000 000
3.	Керакли материаллар (1 ойга)	10 000 000	-	10 000 000
	ЖАМИ:	10 000 000	25 000 000	35 000 000

Лойиҳада ҳисоб-китоблар учун қабул қилинган кредит шартлари

1. Кредит миқдори – 25 000 000 сўм
2. Қайтариш муддати – 36 ой
3. Имтиёз даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 14 %
5. Кредитни қоплаш – ҳар 12 ойда тенг бадаллар билан қайтариш.

3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАСТУРИ

Ишлаб чиқариш режаси

Ишлаб чиқариш режаси, кредит ҳисобидан сотиб олинадиган асбоб-ускуналарининг ишлаб чиқариш қуввати ва техник имкониятидан келиб чиқсан ҳолда тузилди.

Ишлаб чиқариш қуввати, 1 ойда, яъни 24 иш кунида лойиҳа бўйича тўлиқ қувватда ишлаганда 72 дона ёғоч эшик тайёрлайди.

Хизматлар кўрсатиш режасини тузишда, ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш жараёни ҳам эътиборга олинган.

Ишлаб чиқаришни тайёрлаш

Ишлаб чиқаришнинг жараёни, ўзини ичига, олинаётган асбоб-ускуналар, кўрсатиладиган хизматлар жойини қайта мослаштириш тадбирлари ва шу тадбирлар билан боғлиқ ҳаражатларни олади.

Ушбу ҳаражатлар лойиҳа ташаббускори ҳисобидан қопланади.

Ишлаб чиқариш жараёни.

Якка тартибдаги тадбиркор _____, кредит маблағлари ҳисобидан олинадиган асбоб-ускуналар билан ишлаб чиқариш ташкиллаштиришни режалаштирган.

2 - жадвал

№	Ускуна номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
1.	Станок столярный	дона	1	12 000 000	12 000 000
2.	Станок фрезерный	дона	1	10 000 000	10 000 000
3.	Ёгоч кесиш ва ишлов бериш ускунаси	дона	1	1 000 000	1 000 000
4.	Дрель	дона	1	500 000	500 000
5.	Тиски	дона	1	500 000	500 000
8.	Исканалар	тўплам	1	1 000 000	1 000 000
	ЖАМИ			25 000 000	25 000 000

Кредит олингандан сўнг, тадбиркор 15 кун мобайнида керакли асбоб-ускуналарни сотиб олиб, ишга туширади ва маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Шу мақсадда тадбиркор, асбоб-ускуналарни қуидаги етказиб берувчилар билан шартномалар тузган:

Лойиҳа бизнес-режасида, бир ҳафтада иш куни 6 кун ҳисобида қабул қилинган.

1 дона тахта эшик тайёрлаш учун кетадиган материаллар ҳаражатлари

3 - жадвал

№	Материаллар номи	Үлчов бирлиги	Сони	Нархи (сўм)	Суммаси (сўм)
1.	Тахта	Куб	0,3	2 000 000	600 000
2.	Олиф	кг	1	5 000	5 000
3.	Мих	Кг	0,2	10 000	2 000
4.	Ошиқ-мошиқ	комп	1	50 000	50 000
5.	Ушлагич	комп	1	150 000	100 000
ЖАМИ					757 000

1 дона тахта эшикнинг таннархи 807 000 сўмни ташкил этади

Электр энергия ҳаражатлари

Асбоб-ускуналарга ҳамда цехни ёритиш ва бошқа талабларини қондиришга 50 кВт электроэнергия сарф килади. Тадбиркор, 1 кВт.га 300 сўм ҳисобидан тўлайди. Электроэнергияга бир иш кунида қилинадиган ҳаражатлар 15 000 сўмни ташкил этади.

Ҳар ишлаб чиқариладиган тайер маҳсулотга э/энергия ҳаражати 5 000 сўмдан тўғри келади.

Транспорт ҳаражатлари

Иш материалларини ишлаб чиқариш майдонигача олиб келишга, транспорт ижарага олинади. Транспорт ҳаражатлари 60 000 сўм миқдорида қабул қилинган.

1 дона тайёр маҳсулотга транспорт ҳаражати 20 000 сўмдан тўғри келади. 4 - жадвалда ёғоч эшикни тайёрлаш ҳаражатлари кўрсатилган.

1 дона ёғоч эшикни тайёрлаш ҳаражатлари

4 - жадвал

№	Харажатлар номи	Умумий миқдори (сўм)
1.	Хом ашё ва материаллар	757 000
2.	Электроэнергия ҳаражатлари	5 000
3.	Транспорт ҳаражатлари	50 000
4.	Жами	812 000

1 дона ёғоч эшикнинг таннархи 812 000 сўмни ташкил этади.

1 ой муддат ичида 72 та ёғоч эшик, жами таннархи 58 464,0 минг сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. 12 ой ичида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг таннархи 701 568,0 минг сўмни ташкил этади.

4.СОЛИҚЛАР, ТЎЛОВЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР

Якка тартибдаги тадбиркор _____ «Хунарманд»лар уюшмаси аъзоси бўлгани учун қатъий солиқ ставкаси тўловидан озод қилинган.

Нафақа фондига ЯТТларга ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баробари миқдорида солиқ тўлайди. Бугунги кунда базавий ҳисоблаш миқдори 245 000 сўмга teng. 1 йилда 2 940,0 минг сўмни ташкил этади.

5. СОТИШ ДАСТУРИ

_____ шаҳар дурадгорлик маҳсулотлари бозорида ёғоч эшиклар нархи 1 500 000 сўмгачадир. Тадбиркор ҳар бир дона ёғоч эшикни 1 100 000 сўмдан сотади.

5 - жадвал

№	Сотиладиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи (минг сўм)	Жами (минг сўм)
1	Ёғоч эшик	дона	864	1 100,0	950 400,0
	Жами				950 400,0

Бир йилда тушум миқдори 950 400,0 минг сўмни ташкил этади.

6. МОЛИЯВИЙ РЕЖА.

6 - жадвалда лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилган кредит маблагини қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тўлаш схемаси қўрсатилган.

Кредитни қайтариш жадвали

6 - жадвал

№	Тўлов даври	Кредит микдори (минг сўм)	Йиллик фоиз ставкаси 14%	Асосий қарз микдори (минг сўм)	Жами тўлов (минг сўм)
1	Умумий микдори	25 000,0	--	--	--
2	1-йил	25 000,0	3 500,0	8 333,3	11 833,3
3	2-йил	16 666,7	2 333,3	8 333,3	10 666,6
4	3-йил	8 333,4	1 166,7	8 333,4	9 500,1
5	ЖАМИ	25 000,0	7 000,0	25 000,0	32 000,0

Лойиҳанинг 12 ой ичида амалга оширилиши натижасида, кутиладиган молиявий кўрсаткичлар 7 - жадвалда акс эттирилган.

МОЛИЯВИЙ РЕЖА

7 - жадвал

№	Кўрсаткичлар	1 йил (минг сўм)
1	Тушум	950 400,0
2	Харажатлар	794 041,3
3	Даромад	156 358,7
4	Солиқ	2 940,0
5	Соф фойда	153 418,7

Лойиҳани амалга оширишдан, лойиҳа ташаббускори кредит қайтарилиганидан сўнг 153 418,7 минг сўмлик соф даромад кўради.

ХУЛОСА

Ушбу лойиҳани тақдим этишдан олдин, лойиҳа ташаббускори томонидан, _____ шахрини бозоридаги аҳвол, лойиҳани амалга оширишда таъсир кўрсатадиган ҳамма факторларни эътиборга олиб, чуқур таҳлил этилди.

Келтирилган молиявий кўрсаткичлар натижалари ҳамда хизмат кўрсатишни ташкиллаштиришнинг бутун дастурини таҳлил килиш, ички бозордаги шароитни, биринчи навбатда хом-ашёни етказиб бериш, ҳудди шундай корхоналар томонидан бўладиган рақобатни, ишлаб чиқаришдаги бўлиши мумкин бўлган хатарлар ва бошқа факторларни эътиборга олиб қилинган таҳлил натижасида лойиҳани амалга оширишда, лойиҳа ташаббускори томонидан кўрсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва ҳаётийлиги тўғрисида хulosага келинади.

Ушбу лойиҳани амалга оширилиши, лойиҳа ташаббускори фикрини ҳаётга тадбиқ этишга ҳамда Республикаизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатларга ўз улушини қўшишга имкон яратилади.